



XALQ DEPUTATLARI TOMDI TUMAN KENGASHINING Q A R O R I

2022 - yil 30 - dekabr

VI-45-204-5-75-K/22

Tomdi tumani hokimligi

Томди туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли ҳамда 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сонли Фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429, 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан 2023 йил учун туманда белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқига, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2023 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш мақсадида, халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туманнинг иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, жисмоний шахслар бўйича 2023 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун тавсия этиладиган ер солиғи ставкаси 1-иловага ҳамда юридик шахслар бўйича 2023 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун тавсия этиладиган ер солиғи ставкаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши, юқорида 1-2-иловалар билан

белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров), туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Бердиев), туман молия бўлими (Қ.Игиликов) 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилишини таъминласин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашига 2022 йилнинг 31 декабрига қадар кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун солиқ ставкаларини белгиланган тартибда солиқ органларига киритсин.

4. Ушбу қарор “Тамды шаруагери” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг “tomdi.uz” расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 5 январдаги VI-32-6-5-75-K/22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров) ва халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Л.Баянасов) зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Kengash raisi



K.T.Aldabergenov

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-45-204-5-75-K/22-son
qaroriga
1-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

1 кв учун сўмда

Т/р	Худуд номи	Солиқ ставкасининг аниқ миқдори	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун
1	Томдибулоқ ОФЙ	286,0	0,8	228,8
2	Ақтов ОФЙ	286,0	0,8	228,8
3	Аяккудук ОФЙ	286,0	0,8	228,8
4	Сукетти ОФЙ	286,0	0,8	228,8
5	Керизбулоқ ОФЙ	286,0	0,8	228,8
6	Керегетов ОФЙ	286,0	0,8	228,8
7	Шиели ОФЙ	286,0	0,8	228,8
8	Шарқ ОФЙ	286,0	0,8	228,8
9	(Зарафшон шаҳар бўйсунувидаги) Мурунтау МФЙ	286,0	0,8	228,8

Изоҳ: Туман Кенгаши томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини овул фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-45-204-5-75-K/22-son
qaroriga
2-ilova

**2023 йил Томди тумани ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришга қараб
қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар
бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига
киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар**

1 кв учун сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Юридик шахслар учун		
		Солиқ ставкасининг аниқ миқдори	Коэффицент (0,7 дан 3 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун
1	Томдибулоқ ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
2	Ақтов ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
3	Аяккудук ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
4	Сукетти ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
5	Керизбулоқ ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
6	Керегетов ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
7	Шиели ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
8	Шарқ ОФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000
9	(Зарафшон шаҳар бўйсунувидаги) Мурунтау МФЙ	32 000 000	0,7	22 400 000

Изоҳ: туман Кенгаши томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини овул фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.